

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

Давлат тест маркази Илмий-методик  
кенгашининг 2016 йил 30 декабрдаги  
йиғилиши 4-сон баёни қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Давлат тест марказининг  
2017 йил 6 январдаги  
01-08-сонли буйруғи билан

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАКАЗИ  
ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН “АЙРИМ ФАНЛАР ЧУҚУР  
ЎРГАНИЛАДИГАН ДАВЛАТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ-  
ИНТЕРНАТЛАРИ 5-СИНФИГА ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ  
СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ” ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ**

**1. ХИЗМАТ ТАФСИФИ (ПАСПОРТ)**

**1.1. Хизмат номи**

Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари 5-синфига ўқувчиларни қабул қилиш учун тест синовларини ўтказиш.

**1.2. Хизмат натижаси**

Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари 5-синфига ўқувчиларни қабул қилиш

**1.3. Хизмат кўрсатувчи орган**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази

**1.4. Ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги 173-сонли «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфлари, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари тўғрисида Низом»;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 1 февралда 2321-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ»

**1.5. Хизматдан фойдаланувчилар**

Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига ўқишга кирувчилар

**1.6. Сўровнома берилиш муддати**

Муддатсиз

**1.7. Ижро муддати**

Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасининг 5-синфи учун ҳужжатлар 1 – 20 июль кунлари қабул қилинади.

5-синфга ўқувчилар қабули бўйича буюртманома Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан умумлаштирилиб, 25 июль кунига қадар Давлат тест марказига тақдим этилади.

Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасининг (мактаб-интернатнинг) 5-синфи учун танловлар 5 — 20 август кунлари оралиғида ўтказилади.

### **1.8. Хужжатларни тақдим этиш муддати**

Танловларнинг якуний натижалари 5 кун ичида Комиссия томонидан ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасидаги эълонлар тахтасига осиб қўйилади.

## **2. ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ**

### **2.1. Маълумотларнинг таркиби ва ҳажми**

Ҳар бир мурожаат қилган шахсга қуйидаги маълумот берилишига кафолатланади:

- Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасининг 5-синфи учун хужжатлар қабул қилинадиган кунлар, ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасининг (мактаб-интернатнинг) 5-синфи учун танловлар ўтказиладиган фанлар ва муддатлари.

### **2.2. Кенг доирада маълумот берилиши**

Хизматлар ва хизмат кўрсатиш тўғрисидаги маълумотни:

- Тошкент ш., Боғишамол кўч. 12 манзили ва
- 234-97-91 рақамли телефонлар ҳамда  
[www.dtm.uz](http://www.dtm.uz) - веб сайт орқали олиш мумкин

### **2.3. Сўровнома бўйича маълумот берилиши**

Сўровнома бўйича ёзма жавоб – 5 кун ичида,

Телефон орқали; 10-00дан 17-00гача Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари 5-синфига ўқувчиларни қабул қилиш масалалари бўйича оғзаки маслаҳат бериш.

11-00дан - 12-00гача факс орқали (3 варақдан кўп бўлмаган) Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари 5-синфига ўқувчиларни қабул қилиш учун зарур бўлган ёзма хужжатларни узатиш.

### **2.4. Хизмат кўрсатилаётган манзил бўйича маълумот берилиши**

ДТМ расмий веб-сайти.

ДТМ қуйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси 12-уй, телефон: (0 371) 200-19-14. Мўлжал: метро “Бодомзор” бекати.

### **2.5. Фойдаланиладиган бланк (шакл)лар**

Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари 5-синфига ўқувчиларни қабул қилишда бланк ва унинг бошқа шакллари юритилмайди.

## **3. ХИЗМАТ КўРСАТИШ**

### **3.1. Иш вақти**

Иш вақти 9-00дан - 18-00гача. Дам олиш кунлари: шанба, якшанба.

### **3.2. Кутиш шарти**

Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари 5-синфига ўқувчиларни қабул қилиш 1 июлдан 25 августигача бўлган даврни қамраб олади.

## **4. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБ – ТАОМИЛИ**

### **4.1. Хизмат кўрсатиш босқичлари**

1-босқич. Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси директори номига ариза

2-босқич. Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасининг 5-синфи учун хужжатлар 1 — 20 июль кунлари қабул қилинади.

5-синфга ўқувчилар қабули бўйича буюртманома Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан умумлаштирилиб, 25 июль кунига қадар Давлат тест марказига тақдим этилади.

3-босқич. Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасининг (мактаб-интернатнинг) 5-синфи учун танловлар 5 — 20 август кунлари оралиғида ўтказилади.

4-босқич. Танловларнинг якуний натижалари 5 кун ичида Комиссия томонидан ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасидаги эълонлар тахтасига осиб қўйилади.

5-босқич. Танловлардан муваффақиятли ўтган ўқувчилар танлов ўтказилган йилнинг 25 августига қадар ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси директори буйруғи асосида ўқувчилар сафига киритилади.

### **4.2. Хизматнинг молияланиши**

Давлат хизмати бепул кўрсатилади.

### **4.3. Талаб этиладиган хужжатлар**

Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари 5-синфига ўқувчи талабгор қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

- Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси директори номига ариза;
- туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;
- 3 x 4 ҳажмдаги 6 та фотосурат;
- психологик-педагогик диагностика дафтари асосида ўқувчининг қизиқишлари, ўқув фанларини ўзлаштириши ҳақида тасдиқланган тавсифнома;
- яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан маълумотнома;
- таълим йўналиши бўйича ўқувчининг истеъдод ва иқтидорини кўрсатувчи ишларидан намуналар, агар улар мавжуд бўлса (нашр этилган ёки қўлёзма сифатида ёзилган шеърлар, ҳикоялар, расмлар ва бошқалар).

### **4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички – идоравий босқичлари**

Ташкилот ичидаги бошқа жараёнлар кўзда тутилмаган

### **4.5. Рад қилиш асослари**

Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари 5-синфига ўқувчини қабул қилишни рад этилишига асос бўлган сабаблар:

Тест синовлари ва психологик-педагогик диагностика синовларининг ҳар биридан 70 фоиздан кам бўлмаган натижа кўрсатган ўқувчилар орасидан баллар рейтинги бўйича белгиланган квотага мувофиқ қабул қилинади.

## **5. СИФАТ ТАЪМИНОТИ**

### **5.1. Сифат кўрсаткичлари**

Хизмат кўрсатиш жараёнида ҳар бир мурожаат тегишли равишда қабул қилинади ва қайта ишланади, қисқа муддат ичида ҳар бир мурожаатга зудлик билан жавоб берилади.

### **5.2. Сифатсиз кўрсатилган хизмат учун шикоят**

Танловларни ўтказиш жараёнидан норози бўлган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар Комиссияга, халқ таълимини бошқариш

худудий органларига, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, Давлат тест марказига ва унинг жойлардаги доимий вакилларига мурожаат этишлари мумкин. Ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар берилган жавоблардан норози бўлса, белгиланган тартибда судга мурожаат этишлари мумкин.